

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎМИРОВА ДИЛНОЗА САФАРОВНА**

**ХУДУДИЙ ТУРИЗМНИ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ**  
**АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
**(Қашқадарё вилояти мисолида)**

**08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

УДК: 338.48:6.01(575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
in economic sciences**

<b>Ўмирова Дилноза Сафаровна</b> Худудий туризмни инновацион ёндашув асосида такомиллаштириш (Қашқадарё вилояти мисолида) .....	3
<b>Умирова Дилноза Сафаровна</b> Совершенствование регионального туризма на основе инновационного подхода (на примере Кашкадарьинской области) .....	29
<b>Umirova Dilnoza Safarovna</b> Improving regional tourism on the basis of innovative approach (as an example of Kashkadarya region) .....	55
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	60

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎМИРОВА ДИЛНОЗА САФАРОВНА**

**ҲУДУДИЙ ТУРИЗМНИ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ**  
**АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
**(Қашқадарё вилояти мисолида)**

**08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Iqt924 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.urdu.uz](http://www.urdu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Абдувоҳидов Абдумалик Маҳкамович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Сафаров Баходир Шаҳриёрович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Худайберганов Дилшод Тухтабаевич**  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент давлат шарқшунослик университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-28-72, Факс: (99871) 239-43-51, e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-28-72, Факс: (99871) 239-43-51, e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.

**Н.Х. Жумаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Б.Т. Бердияров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

**А.А. Эшгаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон мамлакатларида туризм давлатлар, алоҳида минтақалар ва ҳудудлар стратегик тараққиётини белгиловчи истикболли йўналишлардан бири ҳисобланади. UNWTO «Жаҳон сайёҳлик барометри»нинг 2021 йилги ҳисоботида кўра, «халқаро туризмнинг оқшаши соҳада экспорт тушумларининг 1,3 триллион АҚШ доллари миқдоридagi йўқотилишига олиб келиши мумкин, бу 2009 йилги глобал иқтисодий инқироз даврида қайд этилган йўқотишлардан ўн бир баробар кўпдир»<sup>1</sup>. Шунга қарамадан, туризм бутун дунёда муҳим тараққиёт омили бўлиб қолмоқда. Туристлар оқимининг жалб этилиш даражаси муайян ҳудуд ёки давлатнинг тарихий-маданий, табиий-иқлим, географик-экологик жозибадорлигидан ташқари, сиёсий хайрихоҳлик даражаси, мутахассислар салоҳияти, тегишли инфраструктура ҳамда турли хизматларнинг нечоғли даражада сифатли йўлга қўйилганлиги билан белгиланади. Шу боисдан, ҳудудларда барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг таъминланиши учун туризм соҳасини инновацион ёндашув асосида такомиллаштириш тақазо этилади.

Жаҳонда ҳудудий туризм фаолиятини ташкиллаштиришда технологик инновацияларни татбиқ этиш, сиёсий хайрихоҳлик даражаси, мутахассислар салоҳияти, тегишли инфратузилмани шакллантириш ҳамда турли хизматларни сифатли йўлга қўйиш, минтақавий туризмнинг эко-самарадорлигининг фазовий фарқланиши ва ҳаракатлантирувчи кучлари бўйича тадқиқотлар, туризмни қонуний асосда ривожлантириш, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириш ва ҳудудларда аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлашга бағишланган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан, ҳудуднинг туризм салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда, уни инновацион ёндашув асосида такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Республикамизда ҳудудий туризм салоҳиятини юксалтириш ва уни амалга оширишга хизмат қиладиган барча жиҳатларга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ҳудудий туризм замонавий тармоқ сифатида давлат сиёсати даражасига олиб чиқилмоқда. Бироқ, Ўзбекистонда ханузгача туризм қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолмоқда. Айнан шу жараёнга эътибор берилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида: «туризмни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратишга қаратилган халқаро меъёр ва стандартларни имплементация қилиш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда мақбул ва қулай туризм муҳитини яратиш, туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш, республика ичида туризм хизматларига бўлган эҳтиёжни қондиришга йўналтирилган туризм фаолияти субъектларининг

---

<sup>1</sup> UNWTO World Tourism Barometer and Statistical Annex, January 2021. <https://www.e-unwto.org/doi/abs/10.18111/wtobarometereng.2021.19.1.1>

фаоллигини рағбатлантиришни таъминловчи ички туризмни ривожлантириш»<sup>2</sup> жараёнларига катта эътибор берилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, туризм соҳасини юртимизнинг барча ҳудудлари қаторида Қашқадарё вилоятида ҳам ривожлантириш, унинг салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш, инфратузилмалар тизимини ривожлантириш, хизматлар сифатининг доимий назоратини йўлга қўйиш, технологик янгилашга йўналтирилаётган хорижий инвестицияларни янада кенг кўламда жалб этишга катта аҳамият қаратилиши зарур бўлади. Мазкур вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг ягона ечими, ҳудудий туризм бозорини инновацион ёндашув асосида ривожлантириш жараёнларига эътиборни қаратиб, махсус тадқиқотлар олиб боришдадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 13 августдаги ПФ-5781-сон «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 5 январдаги ПҚ-4095-сон «Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 19 июндаги ПҚ-4755-сон «Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 6 апрелдаги ПҚ-5054-сон «Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижий давлатларда туризм соҳасини инновацион ривожлантириш ва умуман туризм соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борган дунёнинг етакчи олимлари П.Келлер, Г.Кроуч, Ж.Риччи, Н.Морган, В.Фрейер, Г.Пехланер, Т.Бигер, П.Берителли, Н.Козак, Л.Двер, Д.Бухалис, М.Ансофф, Д.Ландгбер, П.Фроммер, П.Бачарёв, Р.Скорий, М.Ставенга, В.Квартальнов, М.Портер ва бошқа кўплаб олимлар ўзларининг илмий ишларида туризм индустрияси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш ва соҳани ривожлантириш йўлларида атрофлича тўхталиб ўтишган<sup>3</sup>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони

<sup>3</sup> Keller P. Destination marketing: Strategic areas of inquiry, in M.Manente e M.Cerato (eds.) From destination to destination management e marketing, Ciset, Venezia, Edizione libreria Editrice Cafoscarina S.c.r.l.,2000, p.30,

Туризм соҳасини инновацион ривожлантириш, туристик ҳудуддаги иқтисодий муносабатларнинг назарий асослари ва амалий масалалари бўйича мавжуд муаммолар МДХ мамлакатлари олимларидан И.В.Зорин, В.А.Квартальнов, А.С.Кусков, И.Т.Балабанов, А.И.Балабанов, Г.А.Карпова, Л.В.Хорева, Ю.С.Путрик, М.Б.Биржаков ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ёритилган<sup>4</sup>.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Қ.Х.Абдурахмонов, А.М.Абдувоҳидов, М.Қ.Пардаев, Н.Т.Тухлиев, Б.Рузметов, И.С.Абдуллаев, М.Э.Пўлатов, Қ.Ж.Мирзаев, И.С.Тухлиев, О.Х.Хамидов, А.А.Эштаев, М.Р.Болтабоев, Б.Н.Наврўз-Зода, Б.Ш.Сафаров, А.Ф.Саидов, Е.В.Голышева, М.Т.Алимова, М.Т.Алиева, А.Н.Норчаев, Д.И.Абидова, Д.Т.Худайбергенов, З.И.Усманова ва бошқаларнинг илмий изланиш ва асарларида туризм соҳасини ривожлантиришнинг назарий-услубий масалалари ҳамда ҳудудий хусусиятларига оид муҳим масалалар тадқиқ этилган<sup>5</sup>.

---

Morgan N., Pritchard A. & Pride R. Destination branding., Oxford, Butterworth-Heinemann, 2002, p17, Crouch, G. I., & Ritchie, J. R. B. The Competitive Destination: A Sustainable Tourism Perspective, Wallingford, Oxon, UK: CABI Publishers 2003, p 8 Freyer W. Tourismus: Einführung in die Fremdsverkehrsökonomie. München: Oldenburg, 2015, p 10, Pechlaner H. Destinationen und Lebensraum. Springer Fachmedien Wiesbaden GmbH, 2019. s 5, Kozak N, Kozak M. Torist Destination Management: Instruments, Products, and Case Studies. Springer Nature International Switzerland AG, 2019, p12., Dwyer L, Tomjenovic R., Corak S. Evolution of Destination Planning and Strategy: The Rise of Tourism in Croatia. Palgrave Macmillan, Cham, 2017, p 43. Buhalis, D. "Technology in tourism-from information communication technologies to eTourism and smart tourism towards ambient intelligence tourism: a perspective article", Tourism Review, 2020, Vol 75(1), pp. 267-272, Bieger T., Beritelli P. Automatisierung und Personalisierung von persönlichen Dienstleistungen im Tourismus- Zum Kundenwert der persönlichen Dienstleistung. Springer Fachmedien Wiesbaden GmbH, 2020, s 126 Д.Н. Поздеева, Совершенствование стратегического управления выходом и продвижением туристской отрасли крупного мегаполиса на международном рынке: на примере Санкт-Петербурга, 2011 Michael E. Porter. Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors, 30 June 2008, 436 pages.

<sup>4</sup> Зорин И.В. Теоретические основы профессионального туристского образования: монография. – М.: Сов.спорт, 2001. – 264 с.; Квартальнов В.А. Туризм. – М.: Финансы и статистика, 2014. – 368 с. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: [https:// e.lanbook.com/book/69175](https://e.lanbook.com/book/69175); Кусков А.С., Джаладян Ю.А. Основы туризма: Учебник. – М.: КНОРУС, 2015. – 530 с. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: // <https://www.litres.ru/aleksey-kuskov/osnovy-turizma/>; Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма. – М.: Финансы и статистика, 2007. – 176 с.; Карпова Г.А., Хорева Л.В. Экономика и управление туристской деятельностью: учебное пособие в 2-х частях. Ч. 1. – СПб.: Изд-во СПбГУЭФ, 2011. – 268 с.; Путрик Ю. С. История туризма: Учебник. – М.: Федеральное агентство по туризму, 2014. – 256 с.; Биржаков М.Б. Введение в туризм. – М – СПб.: «Издательский Дом ГЕРДА», 2014. – 544 с.

<sup>5</sup> Абдурахмонов Қ.Х. Менеджмент туризма. Учебное пособие. – Т.: Филиал ФГБОУ ВПО “РЭУ им. Г.В.Плеханова” в г. Ташкенте, 2013. – 248 с.; Абдувоҳидов А.М. Туризм иқтисоди. Т. ТДИУ, -2011 й. 180 б.; Пардаев М.Қ. ва бошқ. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.: Иқтисодиёт-молия, 2008. – 260 б.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. – Т.: Гос.науч. изд-во “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2006. – 238 б.; Рузметов Б. Региональная экономика. Опыт, проблемы, эффективность комплексного развития. – Т.: Фан, 2003.-219 с, Абдуллаев И. С. Минтакавий иқтисодий тизимни оптимал тартибга солишнинг механизмларини такомиллаштириш. Иқт. фан. док. (Dsc) диссертацияси автореферати.-Тошкент, 2017.-66 б, Пўлатов М.Э., Мирзаев Қ.Ж. ва бошқ. Глобал иқтисодий ривожланиш (туризм иқтисодиёти). Ўқув кўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2018. – 296 б; Тухлиев И.С. Туризм: назария ва амалиёт. – Т.: Фан ва технология, 2018. – 400 б.; Хамидов О.Х. Выбор конкурентной стратегии предприятий на рынке туристических услуг Узбекистана: автореф. канд. экон. наук. – Т., 2006. – 22 с.; Эштаев А.А. Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида. Иқт. фан. док. (Dsc) диссертацияси автореферати – Сам., 2019. – 95 б.; Болтабоев М.Р. ва бошқ. “Туризм: назария ва амалиёт” фанидан электрон дарслик. – Т., 2017; Сафаров Б.Ш. Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 184 б.; Саидов А.Ф. Организационно-экономические механизмы управления туризмом Республики Узбекистан: Дисс... док. экон. Наук – Т., 1994. - 252 с.; Голышева Е.В. Совершенствование организации и механизма регулирования развития туризма в рыночных условиях: Дис.канд.экон.наук. – Т.: ТашГЭУ, 2011. – 170 с.,

Шу билан бирга, ҳудудий туризмнинг ривожланишини белгилайдиган жиҳатлар, хусусан, инновацион ёндашув асосида такомиллаштиришга доир кўпгина масалалар тўлиқ ўрганилмасдан қолмоқда. Бу ҳолат, Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида, жумладан Қашқадарё вилоятида иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ҳудудий туризмнинг ривожланишини инновацион ёндашув асосида такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини тақозо этади ва бу, ўз навбатида, ушбу тадқиқот ишининг мақсад ва вазифаларини белгилаб берди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг «Бозор рақобати шароитида реал сектор тармоқлари ҳамда корхоналар ривожланишининг илмий-методологик асосини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режасига мос келади.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ҳудудий туризмни инновацион ёндашув асосида такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

туризм тараққиётини жадаллаштиришда инновацияларни гуруҳлаш ва унинг илмий аҳамиятини асослаш;

Ўзбекистон Республикасида туризм соҳаси ривожланишининг асосий кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

Қашқадарё вилоятида туристик маҳсулотларни ишлаб чиқаришга доир инновацион унсурларни тадқиқ қилиш;

ҳудудлар иқтисодиёти ва ҳудудий туризмнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

ҳудудий туризмнинг иқтисодий кўрсаткичларини ва ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш;

Қашқадарё вилояти туризм инфратузилмасини такомиллаштириш ва ҳар бир туманнинг маданий-мерос объектлари, монументал, археологик ва архитектура ёдгорликлари ва бошқа туристик салоҳиятини аниқлаш;

---

Алимова М.Т. Ҳудудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари. Монография. Иқтисодиёт, - Тошкент, 2015. – 300 б.; Алимова М.Т. Ҳудудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари // докторлик диссертацияси автореферати. Самарқанд СамИСИ, 2017. – 265 б.; Алиева М.Т. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида туризм соҳасини бошқаришнинг иқтисодий жиҳатлари. Монография. – Т.: “Фан” нашриёти, 2013. – 240 б. Алиева М.Т. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида туризм хизматлар соҳасини бошқаришнинг иқтисодий жиҳатлари (Ўзбекистон Республикаси мисолида) Иқт. фан. док. (Dsc) диссертация Т.: СамИСИ-2019, Д.Абидова. Меҳмонхона хўжалигида бошқарув жараёнларини моделлаштириш ТДИУ 2012 й, А.Норчаев. Халқаро туризм ривожланишининг иқтисодий ўсишга таъсири. (Испания мисолида) 08.00.11 - Хорижий мамлакатлар иқтисоди 2004. ТДИУ 1356, Наврўз-зода Б.Н ва бошқ. Туристтик ҳудуд рақобатбардошлиги. Монография. Бухоро: “Садриддин Салим Бухорий” Дурдона нашриёти, 2017. – 156 б.; Усманова З. И. Ўзбекистонда туристик-рекреацион хизматларни ривожлантириш хусусиятлари ва тенденциялари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Самарқанд, 2018. – 168б. Д.Худайбергандов. Иқтисодиётни ривожлантиришда товарлар ва хизматлар бозори самарадорлигини ошириш имкониятлари (Хоразм вилояти мисолида). Иқтисодиёт фанлари номзоди бўйича илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Самарқанд, 2010. – 163б.

Қашқадарё вилоятида туризм соҳасида инновацион туристик имкониятлар ва улардан фойдаланиш жараёнларини тадқиқ этиш;

худудий туризмни инновацион ривожланиш жараёнларини тадқиқ этиш ва уни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилоятининг туризм соҳаси олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни худудий туризмни инновацион ёндашув асосида такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тизимли ёндашув, «кабинет» ва «дала» тадқиқотлари, ретроспектив таҳлил, сабаб-оқибат таҳлил усуллари, статистик кузатиш ва гуруҳлаш, SWOT-таҳлил, эксперт баҳолаш, фокус гуруҳлаш, қиёсий устунлик, танланма кузатиш, корреляцион-регрессион таҳлил ва прогнозлаш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

туризм хизматларини диверсификация қилиш ва экспортини оширишда «Китоб кенглик станцияси» ва «Майданак обсерваторияси»ни астрономик туристик йўналиш сифатида туристик объектга айлантириш орқали янги туризм маршрутларини жорий қилиш таклиф этилган;

тижорат банклари томонидан оилавий меҳмон уйларига узоқ муддатли, шу жумладан имтиёзли давр билан марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан юқори бўлмаган ставкада кредит ажратиш таклиф этилган;

Қашқадарё вилояти туризм инфраструктурасини такомиллаштириш ва туризм салоҳиятини баҳолашда ҳар бир туманнинг маданий-мерос объектлари, монументал, археологик ва архитектура ёдгорликлари ҳамда маҳсул тоғ, эко, этно, агро туризм харитаси ишлаб чиқилган;

Қашқадарё вилоятида астрономик туристик йўналишлар, музей-ёдгорликлар, фестиваллар, оилавий меҳмон уйлари ташкил этишнинг туризмни инновацион ривожланишига таъсирининг 2026 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

Яккабоғ тумани Хўжа Илғор қишлоғини худуднинг бой тарихга эга ва туризм ривожланаётган асосий манзиллардан бирига айлантириш – «Хўжа Илғор Амир Темур туғилган маскан» музей-ёдгорлиги ташкил этилган;

Шаҳрисабз шаҳрида йил давомида оммавий, маданий-кўнгилочар тадбирларда фольклор гуруҳларининг чиқишлари, бахши-шоирлар ва ҳунармандлар фестиваллари, миллий спорт ўйинларини ўтказиш таклиф этилган;

вилоятда туризм хилма-хиллигини таъминлаш ҳамда иқтисодий самарадорлигини оширишда Чироқчи тумани Тарағай қишлоғида ҳар йили апрель ойининг биринчи ўн кунлигида «Тарағай баҳори» фестивалини ташкил этиш таклиф этилган;

тоғ олди худудларида яшовчи аҳоли хонадонларида оилавий меҳмон уйлари ташкил этиш орқали худуд аҳолисининг турмуш фаровонлигини

ошириш ҳамда маҳаллий бюджетга тушумларни кенгайтириш йўналишлари илмий асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацияда Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги (Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси), Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Қашқадарё вилояти туризм бошқармасининг статистик ҳисоботлари ҳамда муаллиф тадқиқотлари натижаларидан фойдаланилганлиги, шунингдек, олинган натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти туризм тараққиётининг асосий босқичлари, тенденцияси, вилоятнинг туризм салоҳияти, инфратузилма даражаси баҳолангани ҳамда ижтимоий ва иқтисодий омиллардан оқилона фойдаланган ҳолда вилоятда туризмни ривожлантиришнинг асослари ёритиб берилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Қашқадарё вилоятининг туризм имкониятларини аниқлаш, ҳудудий туризмнинг самарали ривожланишини баҳолаш, янги туризм маршрутларини ишлаб чиқиш, туристлар оқимини ушбу объектларга жалб этиш ва туристларнинг ҳудудда қолиш вақтини узайтиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ҳудудий туризмни инновацион ёндашув асосида такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

туризм хизматларини диверсификация қилиш ва экспортини оширишда «Китоб кенглик станцияси» ва «Майданак обсерваторияси»ни астрономик туристик йўналиш сифатида туристик объектга айлантириш орқали янги туризм маршрутларини жорий қилиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 мартдаги 198-сон «Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 1-илоvasи Қашқадарё вилоятида янги туризм йўналишларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 19 октябрдаги 03-17-02/9235-сон маълумотномаси). Натижада «Китоб кенглик станцияси» ва «Майданак обсерваторияси»га сайёҳлар ташрифи ташкил этилиб, республикада ягона астрономик туристик йўналиш яратилишига эришилган. Мазкур янги туристик йўналиш туфайли Китоб ва Қамаш туманларида туристик боғлиқлик вужудга келтирилган. Бунинг натижасида сайёҳларнинг ҳудудда қолиш муддати 2-3 кунга узайишига эришилган;

тижорат банклари томонидан оилавий меҳмон уйларига узоқ муддатли, шу жумладан имтиёзли давр билан марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан юқори бўлмаган ставкада кредит ажратиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 августдаги 631-сон «Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат

қўмитасининг 2021 йил 19 октябрдаги 03-17-02/9235-сон маълумотномаси). Натижада вилоятда 180 та оилавий меҳмон уйлари ташкил этилди ҳамда сайёҳларнинг ҳудудда қолиш муддати 0,5 кундан 2-3 кунгача узайди. Ҳудудда бир йилда оилавий меҳмон уйлари ҳисобига 500 млн сўм маблағ айланган;

Қашқадарё вилояти туризм инфраструктурасини такомиллаштириш ва туризм салоҳиятини баҳолашда ҳар бир туманнинг маданий-мерос объектлари, монументал, археологик ва архитектура ёдгорликлари ҳамда маҳсус тоғ, эко, этно, агро туризм харитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 мартдаги 198-сон «Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 19 октябрдаги 03-17-02/9235-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида вилоят туризм харитаси 5000 нусхада чоп этилди. Натижада эса туманлар кесимида ҳудуднинг туризм йўналишлари бўйича ривожлантириш ва ҳудудга ташриф буюрувчи сайёҳларга тақдим этилаётган хизмат турларининг ассортиментини тубдан яхшилаш имконини берган;

Қашқадарё вилоятида астрономик туристик йўналишлар, музей-ёдгорликлар, фестиваллар, оилавий меҳмон уйларини ташкил этишнинг туризмни инновацион ривожланишига таъсирининг 2026 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 19 октябрдаги 03-17-02/9235-сон маълумотномаси). Натижада Қашқадарё вилоятида туризм салоҳияти 30,9 фоизга ўсиши ҳамда туризмдан келадиган даромад 2,3 баробарга ошиши прогноз қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 9 та, жумладан, 4 та халқаро илмий-амалий анжуманда ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шу жумладан, Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 148 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Худудий туризм ривожланишининг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида миллий туризмнинг иқтисодиётдаги ўрни ва ривожланиш босқичлари, худудий туризмнинг барқарор ривожланишини белгиловчи асосий омиллар, туризм тараққиётини жадаллаштиришда инновацияларнинг аҳамияти ва гуруҳланиши баён қилинган.

Илмий-тадқиқот ишини бажариш жараёнида тегишли манбаларни таҳлилий ўрганиш асосида замонавий туризмнинг «турист омили», «ички омил», «ташқи омил» ва «инновацион омил» каби тушунчаларига нисбатан муаллифлик талқини шакллантирилди. Хусусан:

«турист омили» – саёҳат қилувчи ва энг муҳим субъект;

«ички омил» – туристик корхона ресурслари;

«ташқи омил» – давлат сиёсати ва қонунлари;

«ижтимоий омил» – аҳолининг турмуш даражаси, соғлиги, таълим.

«инновацион омил» – янги техника ва технологиялар.

Диссертациянинг мазкур бобида туризм ривожининг бутун тарихи илмий-техник тараққиёт билан чамбарчас боғлиқлиги, шу билан бирга, туризм жамиятдаги ишлаб чиқариш муносабатлари, шакллари ва ривожланиш даражасининг ифодаси сифатида намоён бўлиши ёритилган бўлиб, туризмнинг келиб чиқиши, унинг ривожланиши улкан глобал ҳодиса эканлиги, замонавий мазмун-моҳияти ва аҳамияти бутун жамият ҳаёти, сиёсат, маданият ва аввало иқтисодиётга кўрсатаётган улкан таъсирида ҳамда улар билан узвий алоқадорлигида яққол намоён бўлиши жараёнларига эътибор берилган.

Шунинг учун ҳам, туризмнинг ривожланиши нафақат ҳокимият томонидан намоён этиладиган сиёсий хайрихоҳликка, балки бошқа кўплаб омилларга ҳам бевосита боғлиқ эканлиги қайд этилган, ушбу омилларни чуқур таҳлил этиш, баҳолаш ва уларга доир муаммоларни аниқлаб, бартараф этиш борасидаги тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Шу нуқтаи-назардан, худудий туризм ривожланиши учун кўмаклашувчи шарт-шароитлар, омиллар гуруҳлари ишда баён қилинган бўлиб, уни ҳаракатга келтирувчи омиллар 1-расмда ўз аксини топган.



**1-расм. Худудий туризмни ривожлантириш омиллари <sup>6</sup>**

Расмдан кўриниб турибдики, худудий туризмни ривожлантириш омиллари турли-туман бўлиб, энг муҳими, давлатнинг туризм сиёсати ҳал қилувчи аҳамиятга эга экан. Муаллифнинг фикрича, худудий туризм узок давом этган тадрижий тараққиёт босқичларини босиб ўтиш орқали бугунги кўринишда шаклланди. Бу жараён динамик табиатга эга бўлиб, жамиятнинг умумий тараққиётига ҳамоҳанг тарзда туризм ҳам узлуксиз ривожланиб бораверади. Туризм ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилар экан, илгари мустақил хизмат турлари ҳисобланиб келинган ёки туризмга бевосита дахли бўлмаган тармоқларда қўлланиб келинган хизмат турларига мурожаат этиб, улардан фойдаланишни амалга оширишнинг моҳияти очиб берилди. Натижада, янгидан-янги хизмат турлари яхлит туризм мажмуасининг ажралмас қисмига айланиб боради, бу ҳолат эса худудлар иқтисодий тараққиёти ва аҳоли бандлиги таъминланишига ҳамда фаровонлиги юксалишига улкан ҳисса қўшади.

Муаллиф диссертация ишида таснифий хусусиятларни умумлаштириш ва тизимлаштириш, ҳамда шу асосда туризмнинг фаолият юритиши ва ривожланиши жараёнида қўлланиладиган инновацияларнинг илмий асосланган таснифини яратиш муҳим амалий аҳамиятга моликлигини қайд этади. Шу орқали киритилаётган у ёки бу янгилик тавсифлари ҳақида атрофлича тасаввур ҳосил қилиш имкониятига эга эканлиги очиб берилган.

<sup>6</sup> Муаллиф ишланмаси



**2-расм. Туризмда қўлланиладиган инновациялар таснифи<sup>7</sup>**

Бугунги кунда туризмда фаол қўлланилаётган инновациялар пайдо бўлишининг яна битта манбаи, дастлаб ушбу соҳада татбиқ этиш учун мўлжалланмаган илмий ишланмалар бўлиши мумкинлиги кўрсатилди. Шу боис, туризмда инновацияларнинг татбиқ этилиш даражаси, аввало, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг умумий даражасига, жумладан инновацион ривожланиш даражасига боғлиқ.

Шунга кўра, кўриб чиқилаётган инновацияларнинг таснифларини тўлдирга бориб, инновацион ёндашув асосида туризмни ривожлантириш жараёнини шакллантириш асносида биринчи навбатда инобатга олиниши зарур бўлган таснифий аломатлар таклиф этилган (2-расм).

Туризмни инновацион ривожлантириш кўп қиррали илмий тоифа эканлиги, ушбу концепцияни ўрганишнинг аҳамияти, барқарорлик мезонлари ва ўсиш чегараларини аниқлаши билан белгиланиши таъкидланган. Аввало, бу ҳолат туризмнинг инновацион ривожланишига турли омиллар катта таъсир кўрсатиши билан боғлиқлиги аниқланган. Бунда ҳар бир минтақада омилларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги, уларнинг аҳамияти турлича бўлиб, бу муайян бир ҳудудда туристик манзилнинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини белгилаши кўрсатиб ўтилди.

<sup>7</sup> Муаллиф ишланмаси

Ўзбекистон Республикасининг туризм хизматлари экспорти 2000 йилда 33758,7 минг АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2019 йилда 1313032,3 минг АҚШ долларини ташкил этади.

**1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасининг туризм хизматлари экспорти  
(минг АҚШ доллари)<sup>8</sup>**

Йиллар	Йиллар						
	2000	2005	2010	2015	2016	2019	2020
Ўзбекистон Республикаси	33758,7	23555,9	273270,3	1187454,7	1252504,9	1313032,3	255 800,1
<i>шу жумладан: Қаиқадарё вилояти</i>	54,6	-	171,6	419,6	3 369,6	707,6	25,2

2020 йилда эса мамлакатимизда кузатилган пандемия натижасида туризм хизматлари экспорти ҳажмининг камайиши кузатилди ва 255800,1 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Муаллифнинг таъкидлашича, туризмнинг ривожланишини таъминлаш учун инновацияларни қўллаш зарурияти жамият тараққиётининг замонавий тенденциялари билан белгиланади. Аммо, замонавий иқтисодий адабиётларнинг таҳлили бугунги кунда туризмни ривожлантириш борасида инновациялар қўлланилишини ўрганишга етарлича эътибор берилмаётганлигини кўрсатмоқда.


Ишда туризмни ривожлантириш жараёни инновацион табиат касб этиши зарурлиги, бу унинг барқарор фаолият юритиши ва ривожланишини таъминлаши кўрсатиб берилган. Бинобарин, муаллиф туризм тизимини инновацион ривожлантириш концепциясини тўлдирган ҳолда, нафақат туризмнинг мувозанатлашган фаолият юритиши доимий ўзгариб турадиган турли омилларнинг узлуксиз босими остидаги ноаниқлик шароитида ресурслар чекланганлиги билан белгиланувчи ижтимоий-иқтисодий тизим ривожланишининг ижобий тенденцияларини, балки туристларнинг ўзгарувчан эҳтиёжлари шароитида белгиланган мақсадларга эришишга қаратилган туризм тизимининг барча унсурларига янгиликларни киритишнинг объектив эҳтиёжига асосланган ривожланишни ҳам қайд этиш лозим бўлади. Бунда, ривожланиш барча зарур босқичларга риоя этган ва туризм тизимининг барча унсурлари манфаатларини инобатга олган ҳолда изчил кечиши муҳимлигини таъкидлаш жоиз.

Туризмдаги инновациялар хилма-хиллиги боис, нафақат компьютер ахборот технологиялари нуқтаи-назаридан, балки кенг кўламда қаралиши зарур. Улар сифат жиҳатидан янги туристик маҳсулот, хизмат ёки туристик корхоналар ва умуман ҳудуд учун катта самара келтириб, туристларнинг ўзгарувчан эҳтиёжларини қондириш имконини берадиган исталган бошқа инновацион фаолиятнинг якуний натижасини акс эттириши кўрсатилган.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг манбаларига асосан муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг «**Инновацион ёндашув асосида ҳудудий туризм ривожланишининг иқтисодий таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон Республикасида туризм соҳаси ривожланишининг асосий кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, бунда соҳа фаолиятини тартибга солувчи норматив асослар, янги туризм йўналишлари ва туризм маҳсулотларини ривожлантириш бўйича республиканинг халқаро майдондаги ижобий мавқеини мустаҳкамлаш жараёнлари, Қашқадарё вилоятида ҳудудий туризм соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий имкониятлари, ҳолати таҳлил қилинган ва баҳоланган.

Диссертацияда қайд этилганидек, олиб борилган изланишлар ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, инновацион ёндашув асосида ҳудудий туризмнинг ривожланиши республикамиз ҳудудларида туризмнинг янгиланиши билан боғлиқ бўлиб, бу туризмдаги энг муҳим инфратузилма, яъни туристларни меҳмонхоналарга жойлаштириш билан боғлиқлиги ва унинг янги шаклда фаолият юритаётган оилавий меҳмон уйлари сони йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги билан белгиланиб, у 3-расмдаги каби кўринишга эга.



**3-расм. Оилавий меҳмон уйлари сони (дона)<sup>9</sup>**

Расмдан кўриниб турганидек, республика бўйича 2019 йилда оилавий меҳмон уйлари сони 886 тани ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 2500 тага етган. Қашқадарё вилояти бўйича ушбу кўрсаткич 2021 йилда 167 тани ташкил этган. Оилавий меҳмон уйларига нисбатан эҳтиёж ўсаётганлигини инобатга олиб тижорат банклари томонидан оилавий меҳмон уйларига узоқ муддатли кредитлар ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда банклар томонидан миқдорларга уч ойдан олти ойгача имтиёзли давр билан марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан юқори бўлмаган ставкада кредит ажратиш оилавий меҳмон уйлари фаолиятини йўлга қўйишда ҳамда туристларга қулайлик туғдириши баробарида, янги иш ўринларини

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

яратиш имконияти ҳамда қўшимча даромад олиш манбаи сифатида, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, шунингдек ҳудудий бюджетга тушумларни кенгайтиришнинг муҳим воситаси ҳамдир.

Муаллиф томонидан ҳудуд ижтимоий-иқтисодий тизимининг ривожланиш даражаси ва йўналишлари, жумладан туризм тизими минтақанинг ҳам, унинг алоҳида таркибий қисмларининг ҳам инновацион ривожлантирилишига таъсир этувчи илмий-техник тараққиёт билан белгиланишини қайд этган ҳолда, ҳудудий туризм салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар умумлаштирилган (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Ўзбекистон ҳудудларининг туризм салоҳиятини ифодаловчи умумлаштирилган кўрсаткичлари (дона)<sup>10</sup>

	Меҳмон хоналар сони	Туристик фирма ва ташкилотлар	Санатория-курорт муассасалари	Театр	Музейлар	Концерт заллари	Маданият ва истироҳат боғлари	Моддий-маданий мерос объектлари сони
Ўзбекистон Республикаси	1 201	1453	216	50	100	72	192	8208
Қорақалпоғистон Республикаси	32	42	8	4	4	3	9	288
Андижон вилояти	24	35	11	3	2	5	27	422
Бухоро вилояти	197	116	4	2	16	1	12	829
Жиззах вилояти	36	9	10	2	5	1	5	427
Қашқадарё вилояти	49	19	21	5	3	3	15	1468
Навобий вилояти	47	22	7	-	5	2	10	437
Наманган вилояти	32	30	20	1	2	2	11	274
Самарқанд вилояти	124	159	25	5	10	3	15	1607
Сурхондарё вилояти	50	37	8	2	2	1	14	561
Сирдарё вилояти	15	8	2	1	1	3	4	78
Тошкент вилояти	105	40	40	1	5	4	14	828
Фарғона вилояти	51	46	39	4	13	6	14	376
Хоразм вилояти	80	58	6	2	3	1	15	259
Тошкент шаҳри	359	832	15	18	29	37	27	354

Рақобат тобора ўсиб бораётган замонавий шароитда инвесторлар томонидан иқтисодий ва демографик хусусиятлари жиҳатидан тенг бўлган туристик минтақалар туристик бизнесни юритиш учун тубдан янги ва ностандарт ёндашувларни таклиф этиш имкониятлари жиҳатидан таққосланади. Бунда, мақсадларнинг учта: ижтимоий, экологик ва иқтисодий турига эришилган тақдирда туризмнинг инновацион ривожланишини таъминлаш мумкин.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмалари

Ўрта Осиёда Ер ҳаракатини текширишнинг янги даври Улуғбек номидаги Китоб Халқаро кенглик расадхонасининг барпо этилиши ва фаолияти билан бошланди.

Географик харита олиб қаралганда фақатгина Китоб тумани Ўзбекистон ҳудудида Халқаро параллелда (39 градус 08 минут) ўтувчи ягона аҳоли яшайдиган жой. Шунинг учун ҳам Китоб тумани ҳудудида Халқаро кенглик расадхонаси қуришга қарор килинган.

Қашқадарёда юлдузлар саёҳати ёки астротуризмни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Айни тажриба дунёдаги кам сонли мамлакатларда мавжуд. Сабаби юлдузлар саёҳати ёки астротуризмни йўлга қўйиш учун етарлича табиий шарт шароитлар мавжуд. Бунда сайёҳлар сайёралар, ой ва айрим юлдузларни яқиндан кузатиш ва ўрганиш имконига эга бўладилар.

Шунингдек бу йўналишда нафақат маҳаллий, балки хорижий сайёҳлар Ўзбекистон жануби - Қашқадарё вилоятига келиб, Қуёш тизими сайёралари ва юлдузларни кузатиш имкониятига эга бўлади.

«Китоб кенглик станцияси» ва «Майданак обсерваторияси»га сайёҳлар ташрифи ташкил этилса, республикада ягона астрономик туристик йўналиш яратилишига эришилади. Мазкур янги туристик йўналиш туфайли Китоб ва Қамаш туманларида туристик боғлиқлик вужудга келтирилади.

Туризмни ривожлантиришда инновацияларни қўллашдан мақсад - биринчидан, потенциал сайёҳларнинг ортиб бораётган эҳтиёжларини қондирадиган юқори сифатли туристик маҳсулотни шакллантириш орқали; иккинчидан, минтақадаги сайёҳлик саноатини, бошқа тармоқларга нисбатан ҳам, ва умуман мазкур туризм минтақасининг минтақавий ва глобал даражада ҳам рақобатбардошлигини ошириш орқали ҳудудда туризмнинг барқарор ривожланишини таъминлашдан иборат.

Мазкур мақсадга эришиш самарадорлигини оширишнинг зарурий шarti - бу қўлланилаётган инновацияларнинг минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг умумий йўналиши ва унинг илмий-техник тараққиёт даражасига мувофиқлигини таъминлаш ҳисобланади. Чунки, баъзи ишланмалар талаб этилмаслиги ёки уларни қўллаш тўлиқ фойда келтирмаслиги мумкин. Бунда ушбу жараёнга қўйиладиган қатор умумий ва хос талабларга риоя этилиши, шунингдек, туризмнинг фаолият юритиши ва ривожланишида инновацияларни қўллаш тамойиллари инобатга олиниши зарур.

Ушбу тамойилларнинг мужассамлиги минтақадаги туризм тизимига белгиланган мақсадга эришишга кўмаклашадиган зарур хусусиятларни сингдириш, шунингдек, вазифаларни амалга оширишнинг энг самарали усуллари танлаш имконини беради.

Диссертациянинг «**Ҳудудий туризмни инновацион ривожлантириш йўналишлари**» деб номланган учинчи бобида ҳудудий туризмни инновацион ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари, инновацион ёндашув асосида ҳудудий туризмни самарали ривожлантириш, ҳудудий туризмни

ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш стратегик истиқболлари прогноз қилинган.

Қашқадарё вилояти заминидаги қадимий қишлоқлар негизида шаклланган ўзбек халқининг бой тарихи, буюк аجدодларимизнинг моддий-маънавий мероси, тарихий хотирамизни жонлантириб, янги авлод учун ибрат манбаига айланмоқда.

Шунинг учун ҳам муаллиф диссертацияда халқимизнинг маънавий руҳини бойитиш, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанимиз тарихига муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, аجدодларнинг бой илмий-маънавий меросини ўрганиш ва асраб-авайлаш, уни Ўзбекистон халқи, жаҳон ҳамжияти ва кенг жамоатчиликка тарғиб ва ташвиқ қилиш, келажак авлодни аجدодлар меросига муносиб тарзда тарбиялашда музейларнинг ўрни бекиёслигига алоҳида эътибор қаратади. Тарихни музей воситасида ҳаққоний тарғибот қилиш учун уни музей экспозицияси тилига айлантириш талаб этилади. Бу тарих қадимги Кеш вилояти ва шаҳрининг шаклланиши жараёнини кўрсатиб, унинг Марказий Осиё ва жаҳон маданияти тараққиётига қўшган ҳиссасини намоён этади, бу борада этнографик афсоналар, тарихий ёзма ва археологик манбалар асосида Темурбекнинг туғилиши акс этирилган (4-расм).

**Яккабоғ туманидаги Хўжа Илғор қишлоғида ташкил этиладиган “Амир Темур туғилган маскан” музей ёдгорлиги.**

Хўжа Илғор қишлоғида ташкил этиладиган “Амир Темур туғилган маскан” музей ёдгорлигини қуриш ва мазкур жойда кичик намозхона, музей, ёдгорлик, камондан ўқ отиш ва жанг санъатлари маркази, савдо шохобчалари қўшимча хизматлар ҳамда тез овқатланиш нуқталарини ташкил этиш.

**Лойиха амалга оширилиши режалаштирилган ҳудуд**



Лойиханинг қиймати  
20 млрд ҶМ



Яратилдиган иш ўринлари  
30 нафар



Лойиханинг ишга тушиш муддати  
12 ой



Лойиханинг йиллик қуввати  
120 минг АҚШ доллари

**Таклиф этилаётган лойиха:**

Лойиха даромади:

Йиллик 120 минг АҚШ доллари.  
1 киши учун:  
кириш чипталари нархи: 2\$;  
хизматлар ўртача нархи: 10 \$



Ташкил этиладиган нуқталар:

- кичик намозхона, музей, ёдгорлик
- камондан ўқ отиш ва жанг санъатларини ўргатиш маркази,
- савдо шохобчалари,
- тез овқатланиш (Fast Food).

Лойихани амалга ошириш:

Маҳаллий бюджет маблағлари ёки ташаббускор тадбиркорлар



4-расм. Этно туризм масканларини барпо этиш<sup>11</sup>

<sup>11</sup> Муаллиф ишланмаси

XIV-асрдаги қишлоқ манзаралари, этнографияси, Қашқадарё вилояти худудида кенг тарқалган Барлослар уруғининг келиб чиқиши ва тарқалиш радиуси, худуддаги бошқа уруғлар, ўша даврларда ёшларга таълим бериш тизими – мадрасалар ва масжидларни маънавий маркази сифатидаги ўрни, ёш болаларнинг ўйинлари ва ўйинчоқлари, ҳарбий таълим тизими каби масалалар кенг кўламда ўрганилишига эътибор қаратилди.

Диссертация ишида муаллиф Амир Темур ва темурийлар даврида яратилган халқимизнинг бебаҳо маънавий, маданий ва илмий меросининг инсоният тарихидаги ҳаққоний ролини очиб бериш ва уларни кенг жамоатчилик учун намойиш этиш жараёнларига вилоятда катта эътибор берилганлигини қайд этиб ўтади.


Қашқадарё вилояти туризмини инновацион ривожлантиришнинг «ўсиш» нуқталари аниқланди. Аввало, худуднинг нисбатан кам тараққий этган худудларида туризмни жадал ривожлантирувчи «ўсиш нуқталари»ни танлаб олиш ва ривожлантириш орқали худудларнинг инновацион салоҳиятини ошириш мумкин. Бугунги бозор талаби ва «ўсиш нуқталари»дан келиб чиқиб, Қашқадарё вилояти худудларини муайян соҳа ва тармоқларга ихтисослаштириш, маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган инновацион лойиҳаларни худудларга оптимал жойлаштириш талаб этилади. Қашқадарё вилоятининг ҳар бир туман ёки шаҳари кесимида туризм тармоқлари бўйича устуворлик кетма-кетлиги баҳоланди ва «ўсиш нуқта»лари аниқланди.

Муаллиф томонидан иқтисодиёт тармоқлари учун устуворлик даражасини белгилашда ҳар бир туманнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилиб, маҳсулот ва хизматлар яратиш бўйича кескин табақалашувга йўл қўйилмаганлиги аниқланди, соҳалар бўйича туманлар ўзаро боғлиқ ва ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар кўшни туманлар бозоридаги тақчилликни тўлдиришга хизмат қилаётганлигига эътибор қаратилди.

Қашқадарё вилояти худудида кўҳна тарихга эга жами 1321 та моддий-маданий мерос объекти бўлиб, шундан Шаҳрисабз шаҳридаги тарихий объектлар ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мерос объектлари рўйхатига олинган. Жумладан, ҳисобга олинган тарихий ва маданий мерос объектларининг 1043 та археологик, 208 та меъморий, 27 та диққатга сазовор жой, 43 та монументал санъат ёдгорликлари, 50 та жойлаштириш воситалари (2682 ўрин), 100 дан ортиқ миллий ва европа таомлари тайёрловчи ресторан ҳамда миллий услубдаги чойхоналар, 18 та туроператорлик субъектлари фаолият юритмоқда.

Худудий туризмда инновациялар турли турларни ташкил қилиш орқали амалга оширилади. Бу борада Қашқадарё вилоятида яқин келажакда «Info-Tour» ни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бундан асосий мақсад Қашқадарё вилоятининг туристик салоҳияти ва янги туризм йўналишлари билан ҳамда Шаҳрисабз шаҳрида янги ташкил этилган туристик масканлар билан республикада фаолият олиб бораётган туроператорларни ва оммавий ахборот воситаларини таништиришдан иборат.

Муаллифнинг тадқиқотлари натижасида Қашқадарё вилояти худудларининг туризм салоҳияти ўрганилган (5-расм).



5-расм. Худудий туризмнинг самарали ривожланишини баҳолашда Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳияти харитаси<sup>12</sup>

<sup>12</sup> Муаллиф ишланмаси.

Фикримизча, Қашқадарё вилояти туризм салоҳиятини оширишга қаратилган туризмни инновацион ривожлантириш учун қуйидаги йўналишлардаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

Китоб тумани Башир қишлоғида жойлашган Ҳазрати Башир зиёратгоҳига бир йилда 250 минг нафар саёҳатчилар ташриф буюради. Ушбу зиёратгоҳга йўл белгиларини ўрнатиш, Ҳазрати Башир мақбарасига чиқиб тушиш учун эскалатор ўрнатиш, умумий овқатланиш шохобчаларини ташкил этиш орқали ташриф буюрувчилар сонини 250 минг нафардан 450 минг нафарга, яъни 1,75 бараварга ошириш имконияти пайдо бўлади. Шунингдек, Башир қишлоғига боришдаги Варганза ва Қоплатун қишлоқларидаги ёрларни ҳамда Ҳазрати Баширнинг отаси Хўжа Ҳасан ота мақбарасини боғлаган ҳолда янги туристик маршрут очиш орқали саёҳатчилар сонини янада ошириб, саёҳатчиларнинг бу ҳудудда қолиш кунларини 2-3 кунга кўпайтириш мумкин.

Қамаши туманидаги Лангар ота зиёратгоҳига бир йилда 400 минг нафар маҳаллий ва 20 минг нафар хорижий саёҳатчилар ташриф буюради. Ушбу зиёратгоҳ Қамаши тумани марказидан 25-30 км масофада жойлашган бўлиб, 3 км. йўл таъмирталаб ҳисобланади. Йўл бўйи инфратузилмалари деярли мавжуд эмас, хизмат кўрсатиш йўлга қўйилмаган. Ушбу Лангар ота зиёратгоҳига бориш йўлини таъмирлаш, кўрсатиш белгиларини ўрнатиш, тадбиркорларга ерни аукцион савдоларисиз бериш орқали хизмат кўрсатиш соҳасини йўлга қўйиш, зиёратгоҳ атрофидан ҳунармандчилик билан шуғулланувчи тадбиркорларга дўконлар қилиб бериш орқали саёҳатчилар сонини 400 минг нафардан 600 минг нафарга, яъни 1,5 бараварга ошириш мумкин. Ҳунармандчилик савдо дўконларини ташкил қилиш орқали 17 та янги иш ўринларини ташкил қилиш имконияти ҳам мавжуд. Ҳозирги кунда вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан йўл таъмирлаш ва зиёратгоҳда ободонлаштириш ишлари бошланган.

